O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 19 MAY ◆ SHANBA ◆ № 57 (26.759)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 май куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Франксни қабул қилди.

Суҳбат чоғида ҳарбий соҳадаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги вазият билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

Суратларда: қабул пайти. Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

«НЕСТЛЕ» — НАМАНГАНДА

«Нестле» компаниясининг Намангандаги ҳамкорлиги яхши натижа бера бошлади. «Намангансут» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликнинг учинчи йилида компания раҳбарияти ишонч қозонган ҳудудда фаолият доирасини кенгайтирмоқда.

Яқинда Швейцариянинг бу компанияси замонавий қўшма корхона қурилишини бошлади. 50 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона қурилиши учун компания 37 млн. доллар миқдорида маблағ ажратди. Ҳозиргача «Наманганагросаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамияти 60 млн. сўмлик иш бажарди.

Корхона қурилишида Туркиянинг «Айсел» қурилиш фирмаси ҳам хизмат қилмоқда. Асосий бинога биринчи ғишт қўйилиши муносабати билан ўтган маросимда вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов ва компания вакиллари иштирок этдилар.

■ Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

КАСБИМДАН ҚАДР ТОПДИМ



Алишер НАРЗУЛЛАЕВ, ғиждувонлик кулол, «Дўстлик» ордени соҳиби

Кулол касби менга отамдан мерос. Биз сулоланинг олтинчи авлодимиз. Ҳали ҳам отам уста Ибодулладан қолган ўша табаррук устахонадан фойдаланамиз. Асрлар давомида бу жойда лойга сайқал беришлиб, ундан етмишга яқин турдаги сопол идишлар ясалган. Уларга уч юз хил нақш берилганки, хорижликлар лол қолган. Ғиждувон кулоллари ишлаган идишлар дунёнинг кўпгина музейларида сақланаётгани гапимни исботлайди. Ўша истибдод йилларида Бухорога ташриф буюрган Англия элчиси Ғиждувон кулоллари, аниқроғи, дадам билан учрашиш нияти борлигини айтганда, унга афсуски: «Уста ҳозир ҳаёт эмас», — деб ёлғон ахборот беришган.

Орадан йиллар ўтгач, райкомнинг биринчи котиби бу сирни ошкор этади. Унинг айтишича, элчининг Ғиждувонга, қолаверса, бизнинг «чолдевор»га келиши қимматга тушаркан. Чунки, йўлларни тартибга келтириб, уйлар атрофини оқартиш керак-да! Шуни ҳисобга олиб, бу бош оғриқдан осонгина қутулишган экан.

Минг шукрки, отам етмаган кунларга биз, фарзандлари етдик. Илгари камситилган, меҳнатсиз даромад дейилган касбимиз бугун ардоқланмоқда. Халқимизнинг асрлар оша ўлмаган амалий санъати, миллий ҳунармандчиликнинг равнақ топиши учун Юртбошимиз оталарча ғамхўрлик қилмоқдалар. Истиқлолнинг ҳар бир йили мен ва укам Абдулла ҳамда сулоланинг барча аъзолари учун қадрли ва қимматли. Ҳаётимизда ўзининг ўчмас изини қолдирадиган йиллар кўп бўлди. 1994 йилда Покистонда ўтказилган Ислом мамлакатлари ҳунармандлари Халқаро кўргазмасида укам Абдулла қатнашди. 1995 йилда ЮНЕСКОнинг «Халқаро уста» сертификатини олишга муваффақ бўлди. Орадан бир йил ўтиб, камтарона меҳнатимни юртим қадрлади: «Дўстлик» ордени соҳиби бўлдим. 1998 йилда укам Абдулла Нарзуллаев Америка «Ҳунармандларга ёрдам» жамғармаси таклифига биноан АҚШда бўлди.

Президент совғаси — «Тико» енгил машинаси ва олтин медал соҳибиман. 1999 йилда Япония ривожланиш жамғармаси таклифига биноан олти ой мобайнида Японияда бўлдим, тажриба алмашдим. Шу йилнинг бошида АҚШнинг қатор шаҳарларида ўтган Бухоро кунларида қатнашиб, ишларимиз намойиш этилди.

Хуллас, касбим, меҳнатим юксак қадрланган юртнинг азиз ўғли эканлигим билан фахрланаман. Бугун фарзандларим, ўндан зиёд шогирдларим шу ноёб касбнинг этагидан тутганликларидан хурсандман. Мақсадимиз қадимий Ғиждувон кулолчилигини қайта тиклаш, аждодларимиз фаолиятидан ҳикоя қилувчи музей-устахонани ташкил этиш. Бу эзгу ишларимиз билан ҳеч кимдан кам эмаслигимизни жаҳонга кўрсатиб, ёшларимизни отамерос касбга кўпроқ жалб этамиз деган ниятдаман. Зеро, Ватан биздан ташаббусни, фидойиликни талаб этмоқда.

СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРАЙЛИК

Урганчда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жорий йилда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш бўйича махсус ҳукумат комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков раислигидаги сайёр йиғилишида сув тақчиллиги муаммоларини ҳал этишга доир чоралар мажмуи муҳокама қилинди. Унда республикамизнинг тегишли вазирликлари ва идоралари, шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят муассасалари, ташкилотлари ва йирик корхоналари раҳбарлари иштирок этди. Комиссия йиғилишида мамлакатимиз ҳукумати томонидан икки йилдан буён Амударё этакларида давом этаётган кескин сув тақчиллигини бартараф этишга доир махсус қарорлар қабул қилингани таъкидланди.

Бироқ мавжуд вазият илгари тузилган режаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган чораларни кучайтиришни тақозо этмоқда. Вилоятда, масалан, шоли экиладиган майдонлар камайтирилди — сувни кўп талаб этадиган бу ўсимлик фақат уруғлик жамғармасини тўлдириш учунгина экилади. Шу туфайли йиғилишда турли объектив сабабларга кўра иш билан таъминланмай қолган қишлоқ аҳлини меҳнат билан банд этиш муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, қатор қишлоқ хўжалиги ширкатларида тўхтаб қолган ғишт заводлари ва бошқа қўшимча ишлаб чиқаришларни қайта ишга тушириш таклифлари, шунингдек, қатор инвестициявий лойиҳаларни бажаришни жадаллаштириш тадбирлари қўллаб-қувватланди. Аҳолини узлуксиз равишда ичимлик суви билан таъминлаш масаласи устувор аҳамиятга эга. Йиғилишда таъкидланганидек, бунинг учун вилоятда зарур имкониятлар ва заҳиралар мавжуд. Шунингдек, болаларнинг ёзги дам олиши, аёлларни соғломлаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Тегишли вазирлик ва идораларга ҳамда уларни вилоятдаги ҳудудий бўлинмаларига муҳокама қилинган муаммолар ижроси бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Ҳукумат комиссияси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Р.Азимов, В.Атаев, А.Исаев, Р.Юнусов иштирок этди.

■ Т.ШАМАКОВ, ЎзА мухбири

ЭКОТАРҒИБОТ ЙЎЛИДА

«Экосан» халқаро жамғармаси кишиларда атроф-муҳитга нисбатан соғлом муносабатни шакллантиришда таъсирчан ифода усулларидан унумли фойдаланиб келмоқда. Бевосита жамғарма ташаббуси билан маънавиятнинг таниқли намояндалари, шоир-ёзувчилар ва санъаткорлар иштирокида ташкил этилаётган учрашувлар, ижодий кўргазмалар, хайрия тадбирлари ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Фарғона шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов ва бошқа эстрада юлдузлари иштирокида экофестиваль ўтказилди. Экология ва саломатлик кунлари иккинчи босқичи тадбирлари доирасида ўтказилган мазкур экофестивалдан иштирокчилар мамнун.

— Ушбу фестивалнинг муҳим хусусияти шундаки, у фақатгина қўшиқлар ижросидан иборат эмас. Тадбир давомида минтақамиздаги бугунги экологик вазият, табиатни асраб қолиш ва унинг аҳамияти хусусида етарлича тушунча берилди, — деди Бобомурод Ҳамдамов.

■ Шуҳрат ТЎПАЕВ

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР СИНОВИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида иқтидорли ёшлар билан ишлашни янада яхшилаш, уларни хорижий давлатларга ўқишга юбориш мақсадида «Иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни глобаллаштириш муаммолари» мавзуидаги 2 кунлик анжуманда 1279 талаба 40 та фан бўйича олган билимларини намойиш қилдилар. Айниқса, «Талаб ва таклиф», «Ўзбекистон иқтисодиёти ва муаммолари», «Терроризм, диний экстремизм ва унинг оқибатлари» мавзуидаги маърузалар ва олимпиадалар натижалари яхши баҳоланди.

«Иқтисодий ахборот ва АБТ» фани бўйича ўтказилган республика олимпиадасида талабалар компьютер тилида иқтисодий масалаларнинг алгоритм ва программаларини тузишда ўз билим ҳамда маҳоратларини намойиш қилдилар. Улар бажарган бу мураккаб топшириқлар тест асосида текширилди ва иқтидорли талабалардан биринчи ўрин шу университетдан С. Аҳмедовга, иккинчи ўрин Андижон муҳандислик иқтисодиёт институтидан О. Маматқуловга, учинчи ўрин шу даргоҳ талабаси А. Торбинларга берилди.

Бугунги кунда иқтисодиёт илмгоҳида чет тилларни ўқитиш жараёнида янги технологияларни қўллаш, чет эллик профессор-ўқитувчилар тажрибасидан фойдаланиш, турли кечалар, театрлашган кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ташкил қилиш, ёшларни инглиз, немис, француз тилларини мукаммал ўрганишларида яхши натижаларга эришилмоқда.

Шу даргоҳ талабаларининг олимпиадада фахрли ўринларни эгаллаб, Глобал интернейшнл ва тинчлик корпуси вакиллари эътиборига сазовор бўлганлиги бунинг исботидир.

■ Мунаввар БЕГИТЖАНОВА

ҚЎШИҚЛАР БАЙРАМИ

Тошкент вилоятида мустақилликнинг 10 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон қўшиқлари» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ватан туйғуси билан суғорилган, она ва болани, меҳнатни, тинч ва фаровон ҳаётни, айниқса, қутлуғ Истиқлолни тараннум этувчи қўшиқлар ижро этилди.

Қизғин беллашувда олмалиқлик Дилноза Исмияминованинг Ш. Қурбон шеъри, Қ. Қосимов мусиқаси билан ижро этган «Ватан» қўшиғи биринчи ўринга сазовор бўлди.

Тошкент вилояти педагогика билим юрти хор жамоасининг хореографик сютаси, оҳангаронлик Марҳабо Аҳмедова, олмалиқлик Алишер Халилов иккинчи ўринни, чирчиқлик Раъно Ғозиева, қибрайлик Шаҳзода Яшнарова, «Хушнуд» хор жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

■ Алижон АРИПОВ

УНУТИЛАЁТГАН ОЛИЙ ЭҲТИЁЖ

ХАВОТИР

Маълумки, инсон ҳамма вақт турли руҳий ҳолатларга тушиб қолганда таскин берадиган, дарду аламларига малҳам бўладиган нимагадир суянгиси келади. У буни нима деб аташни ҳали ўйлаб тополгани йўқ. Бу исмсиз туйғу таскиндир балки. Уни қаердан қидирмоқ керак? Инсоният тафаккурининг меваси бўлмиш китоблар қатида ўша номаълум туйғу мужассам. У фақат қидирилса бас. Китоб эса ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонни ёвузлик чангалидан асраб қоладиган куч-қудрат бўлиб қолаверади. Лекин бугун инсоният мана шу эзгуликдан узоқлашаётгандай.

Биз кундалик юмушни қиламиз, лекин китоб ўқиш ҳам энг зарурий эҳтиёж эканлигини унутиб қўямиз баъзан. Ахир, китоб ўқиш, маънавиятимизни бойитиш энг олий эҳтиёж эмасми?

Бир қути сигаретни қандай бўлмасин олиб чекамиз, лекин ўша пулга дўкондан китоб сотиб олишни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Сигаретни чекиб ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам заҳарлаётганимизни биламиз, лекин бир кунга эмас, бир умрга татийдиган китобни олиш наҳотки биз учун эҳтиёж ҳисобланмаса?

Ҳозир қаерга қараманг, истиқлолнинг ажойиб мевалари — кўркам, замонавий бино ва иншоотларга кўзингиз тушади. Уларга боқиб ҳавасингиз келади. Кўриб кўзингиз қувнайди. Китоблар, яъни маънавиятимиз бинолари ҳам худди шундай. Ҳар қандай яхши китобни кўркам иморатга қиёслаш мумкин. Уни ўқиган сари, моҳиятини англаб етган сари қалбингизда чексиз сурур, қониқиш туясиз. Демак, китобхоннинг талаб ва эҳтиёжини қондирадиган муассаса — кутубхоналарнинг зиммасидаги масъулият бугун нақадар жиддий.

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

«ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар ўқув курсига суҳбат асосида тингловчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати — бир йил. Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади. Битирувчиларга ҳужжат берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона. «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти. Тел.: 136-55-05.

ПАРЛАМЕНТ ДЕМОКРАТИЯСИ — ФАОЛЛИК ОМИЛИ

ХДП ХАБАРИ

Илғор демократик тамойиллар мустаҳкам қарор топган давлатлар тажрибасига кўра, давлат ҳокимияти ўз мақсад-вазифаларини асосан уч ҳокимият органи (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд) воситасида амалга оширади. Парламент олий ҳокимият органи сифатида қонунятувчилик вазифасини бажаради.

Қонун чиқарувчи орган ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятларга эга ва шунга кўра у турлича аталади. Мисол учун, АҚШда — Конгресс, Россияда — Дума, Швецияда — Риксдаг, ХХРда — Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси ва ҳоказо. Жамиятда тараққийпарвар омилларнинг қарор топиши, фуқаролар бурч ва эркинликлари, манфаатларининг ҳуқуқий мақом касб этиши, ислоҳотларнинг қонунларда қай даражада инъикос топиши, давлат ва халқ муносабатларининг уйғунлашуви бевосита парламент фаолиятига боғлиқ. Шу сабаб парламент фаолияти, унинг томонидан қабул қилинган, қабул қилинажак қонун ва қарорлар жамият ривожига ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб бормоғи зарур.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошида тузилган «Сиёсат» мунозара клубининг навбатдаги машғулоти ҳам «Парламент фаолиятининг мурватлари: халқаро тажриба ва Ўзбекистоннинг миллий хусусиятлари» мавзуига бағишланди. Унда партия фаоллари, «Сиёсат» клуби аъзолари, партия матбуот нашрлари ходимлари иштирок этишди. Ўзбекистон ХДП МК котиби Аслиддин Рустамов тадбирни очар экан, мавзунинг юртимиз ҳаётидаги ўрни, парламент фаолиятида манфаатлар мутаносиблиги, фракциялар фаолиятини кенгайтиришнинг йўл ва воситалари хусусида тўхталди. Шундан сўнг ЎзХДП МК масъул ходими М. Ельшов сўз олиб, Ўзбекистонда ҳозирги замон парламентчилигининг муҳим хусусиятларидан бири — икки палатали парламентни шакллантиришнинг ўзига хослиги нималардан иборат бўлиши лозимлиги хусусидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди. Таъкидландики, Ўзбекистонда парламент демократиясининг қарор топиши ислоҳотларни жадаллаштириш билан бир қаторда фуқароларда сиёсий онгни шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Шунингдек, бу сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини чуқурлаштиради, парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари фаоллигини оширади.

Машғулот давомида парламентчилик тизими, унинг ишчан механизми каби масалалар хусусида ҳам фикрлар билдирилди.

■ Шуҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири

***

Суратларда: машғулотдан лавҳалар.



■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

АФАНДИНИНГ ҲАНДАЛАГИ

ЛУКМА ЎРНИДА

Афанди бозорга ҳандалак олиб келибди.

— Кеп қолинг, ҳандалакнинг додоси, еганлар дармонда, емаганлар армонда! — деб жар солди.

Бир зумда харидорлар тўпланди.

— Донаси неча пулдан?

— Ўзининг нархи 200 сўм. Лекин сиз учун ярим баҳосидан ўтаман, — деди Афанди ялтоқланиб.

Харидорнинг юзига қон югурди. Ахир бира тўла ярим баҳосига туширди-я!

— Олганим бўлсин, мана 100 сўм! — деганини сезмай қолди.

— Лекин тағин битта шартимиз бор, — деди Афанди ҳандалакни қўлидан қўймай. — Бунга яна 100 сўм қўшасиз.

— Нега?

— Гаровга. Ҳандалакни еб бўлганингизча бу пул бизда туради.

— Нега, ахир? — баттар ажабланди харидор.

— Қўрқманг, — тасалли берди Афанди, — бу пул сизники, фақат бизнинг кисса-да туради, холос. Хоҳласангиз, кейин қайтиб оласиз.

— Ие, нега энди менинг пулим сизнинг ҳамёнингизда турар экан? — Баттар ажабланди харидор. — Ўзимнинг пулим ўзимнинг киссамда тургани маъқул-ку. Мени лақиллатмоқчисан муттаҳам?!

— Ундай бўлса, сизга ҳандалак сотилмайди! — гапни чўрт кесди Афанди.

Икки орада жанжал кўтарилди. Бу ер бозор, нега менга сотмас экансан, деб харидор Афандининг ёқасидан олди. Бирпасда бозорқўм; маҳаллақўм ва бошқа қўмларнинг вакилларию солиқчилар йиғилди. Бозордаги тартибни бузганлиги, истеъмолчининг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилганлиги, ҳали кўрсатилмаган хизмат учун ноқонуний ҳақ олишга уринганлиги ва бошқа фирибгарлиги учун Афандининг устидан отнинг калласидай далолатнома тузилди.

Афанди қараса, иш чатоқ. Ҳандалаклар эгасиз қолиб кетадиганга ўхшайди. Ночор ялинишга тушди.

— Оғайнилар. Бу фирибгарлик эмас, тадбиркорлик, ахир! Мен уни ўзим ўйлаб топганим йўқ. Бошқалардан ўргандим. Ишонмасангиз бориб кўринглар. Уяли телефонларини шу усулда сотишяпти. Фарқимиз — мен ҳандалакларни, улар эса уяли телефонларни сотишади. Айбим — Афандилигим, холос!

... Бу гап оломонга таъсир қилди шекилли, бирдан жимиб қолди. Чунки уларнинг кўпчилиги қўлида уяли телефонлари бор эди.

■ Норбобо ШАКАРОВ

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши «Қашқадарёкиновидео» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсати, унинг илк самаралари, жойларда рўй берган чуқур ўзгаришларни кенг тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида «Қашқадарё электр тармоқлари» корхонасида, маданий-маърифий тадбир ўтказди. Унда вилоят партия кенгаши котиби Р. Ражабов истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва уларда ХДП ташкилотларининг ўрни ҳақида атрофлича сўз юритди.

Тадбир сўнггида «Ислом Каримов: Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг ижроия бюроси, вилоятдаги барча бошланғич партия ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 10 йиллиги муносабати билан «Янгича ишлаш, фаоллик, ташаббускорлик — ютуқлар гарови!» мавзуида ягона кун тартибидаги очиқ партия мажлисларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мазкур йиғилишларда мустақиллик шарофати билан эришилган ютуқлар моҳияти ва тарихий аҳамиятини ёритиш, ислоҳотларни амалга оширишда партия ташкилотлари иштирокини янада фаоллаштириш чора-тадбирларини белгилаш тавсия этилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги йиғилишида, Фориш туман кенгашининг, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг «Ўзбекистон Халқ демократик партияси кенгашлари ва ташкилотларининг ҳозирги босқичдаги фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан, амалий ишлари ҳақидаги масала муҳокама этилди.

* * *

Мазкур вилоят кенгаши ҳузурида «Истиқбол» ёшлар клуби ташкил топди.

* * *

Бўстонлиқ туман партия кенгаши, туман марказий маданият саройида, маҳалла партия фаоллари, маориф бўлими ходимлари, юқори синф ўқувчилари иштирокида «Огоҳликка даъват» мавзуида диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши кураш масалаларига бағишланган учрашув ўтказди.

* * *

ХДП Учқўрғон туман кенгаши, «Ўзбекистон Конституцияси — халқ ҳокимиятчилигининг ҳуқуқий кафолати» мавзуида, ўтказган илмий-амалий конференцияда республика ҳуқуқий тарғибот маркази вилоят бўлими, туман прокуратураси мутахассислари демократия ва ҳуқуқ масалалари юзасидан, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ўзанидаги мулоқот, партия Тўрақўрғон туман кенгаши томонидан, савдо-харид ҳиссадорлик жамиятида ўтказилди.

* * *

ХДП Вобкент туман кенгаши томонидан, «Рохкент» қишлоқ фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган, ҳудудий партия ташкилоти негизида, ўтказилган бошланғич партия ташкилотлари котиблари семинарида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтаётган сайловларда партия ташкилотларининг иштироки ва вазифалари муҳокама этилди.

* * *

ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб тантанали йиғилиш ўтказди. Унда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, «Ташкентская правда» газетасининг бош муҳаррири А.Хўжаев бир гуруҳ фахрийларга, мазкур газетага, умумий миқдори 475 минг сўмга тенг бўлган ҳомийлик обунаси чипталарини топширди.

* * *

Партия Андижон шаҳар кенгаши, вилоят ўлкашунослик музейида уруш ва меҳнат фахрийларининг хотира учрашувини ташкил этди. Муҳтарам отахон ва онахонларга эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Балиқчилик иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида хизмат қилганлар ва меҳнат фахрийлари Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб туман марказидаги Хотира майдонида, ўтказилган тантанали тадбирда қатнашдилар.

Байрам дастурхони устида ўтган 500 кишилик тадбирни туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши ва «Нуроний» жамғармаси маҳаллий бўлими ташкил қилдилар.

Соғлиғи заифлашгани боис тадбирда иштирок этолмаган фахрийларнинг холидан хабар олинди.

* * *

Оҳангарон шаҳридаги шифер заводининг бошланғич партия ташкилотида ҳам, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан учрашув ўтказилди. Уруш ва меҳнат фахрийлари учун машҳур санъаткорлар концертини уюштиришда ХДП Оҳангарон шаҳар кенгаши бош-қош бўлди.

* * *

ХДП Чортоқ туман кенгаши, тумандаги «Балиқликўл» зиёратгоҳида уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари учун «Бир пиёла чой устида», деб номланган, тадбирни ташкил этди.

* * *

Хотира ва қадрлаш кунида ХДП Янгийўл шаҳар кенгашининг масъул ходимлари 25 нафар фахрийларга совға-саломлар тақдим этдилар.

* * *

ХДП Пешқу туман кенгаши, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийларининг Бухоро шаҳрига зиёратини ташкил қилди. Улар шаҳардаги Хотира ва Қадрлаш хиёбонида ўтказилган, учрашувда қатнашдилар.

* * *

Боғдод туман партия кенгаши туман спорт қўмитаси билан биргаликда эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган, машҳур ҳамюртлари — К. Имомова, Т.Хўжаева, К. Йўлдошева, Х.Камолова, К. Усмонова, Л.Баранова, М. Драмарецкая, Л. Антонченко, С. Останакулова, М. Холматова, А. Умарова, О. Кожиковаларнинг хотирасига бағишлаб, аёллар ўртасида, волейбол, теннис, шахмат-шашка ва енгил атлетиканинг бошқа турлари бўйича, маҳаллалараро турнир ўтказди.

Умумий ҳисобда 1-ўрин соҳиби бўлган «Дўстлик» маҳалласи жамоасига туман партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Шунингдек, мазкур тумандаги Боғдод шаҳарча фуқаролар йиғини ташаббуси билан «Боғдод ҳаёти» газетаси партия ташкилотининг собиқ котиби Қаҳрамон Алиев хотирасига бағишланган учрашув ўтказилди.

* * *

ХДП Уйчи туман кенгаши томонидан ҳам Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан туман ижтимоий-иқтисодий ривожига катта ҳисса қўшган Набижон Шерматов, Абдуфаттоҳ Эгамбердиевлар хотирасига бағишлаб, шахмат турнири уюштирилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашида партия фахрийларини табаррук таваллуд кунлари билан муборакбод этиш, уларга иззат-икром кўрсатиш анъана тусига айланмоқда. Вилоятдаги Ғузор тумани «Наврўз» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Панжи Ҳолиқов 60 ёшга тўлиши муносабати билан унга вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

* * *

ХДП Олтинкўл туман кенгаши уруш ва меҳнат фахрийси Фозилжон Ҳасанов, мусиқа ўқитувчиси Мухторжон Қўчқоров ва савдо ходими Одилжон Ҳамроқуловнинг ёднома кечасини ўтказди. Туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар марказида бўлиб ўтган ушбу тадбирга марҳумларнинг оила аъзолари ва маҳалладошлари таклиф этилди.

* * *

ХДП Пахтаобод туман кенгаши, туман «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Олтин мерос» жамғармаси туман бўлими ҳамда шоир Ҳабибийнинг уй-музейи жамоаси, ҳамкорликда, узоқ йиллар мобайнида адабиёт, санъат, маориф соҳасида меҳнат қилган бир қатор фидойи, ҳозирда марҳум юртдошларнинг хотира кечасини ташкил этдилар.

* * *

Марҳамат туман партия кенгаши марҳум ҳамюртлари Эргаш Исмоилов ва Мирзажон Рўзибоевлар хотирасига бағишлаб, волейбол бўйича, мусобақа ўтказдилар. Мусобақа ғолиблари — Андижон гидромелиорация ва сув хўжалиги коллежи, «Машъал» ширкат хўжалиги жамоалари эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

МИЖОЗ МАНФААТИ — БОШ МАҚСАД

Иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш кўп жиҳатдан банклар фаолиятига ҳам боғлиқ.

Бухоро вилоят «Пахта-банк»и бўлимларида 5000 га яқин юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Банк бошқармаси бўйича 2000 йил мобайнида жами 2200,0 млн. сўмлик қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Шундан, қишлоқ хўжалигига 600,0 млн. сўм, саноат тармоғига 850,0 млн. сўм ва савдо-таъминот тармоғига 650,0 млн. сўмдан ортиқ кредитлардан мақсадли фойдаланилишига эришилди.

Шунингдек, бугунги кунда Шофиркон туманидаги «Бобур» ширкат хўжалигига 6 та «Т-28х4» русумли ишлов тракторлари 15.6 млн. сўмга ва «Бухоро» ширкат хўжалигига ҳамда Олот туманидаги «Навоий» ширкат хўжалигига «Максим-МХ-135» русумли тракторлар 30.0 млн. сўмга лизинг асосида сотиб олиб берилди. Ҳозирги пайтда худди шундай лойиҳалардан яна учтаси устида иш олиб борилмоқда.

«Пахта-банк» бўлимлари томонидан жамоа хўжаликларининг 40 тасида ҳисоб-китоб ишлари компьютер орқали махсус дастурлар асосида амалга ошириш йўлга қўйилди.

Жамоа ва ширкат хўжаликларининг бир нечтасида «Банк-Мижоз» компьютер дастурлари ва модем алоқаси ўрнатилди. Натижада хўжаликнинг банкдаги ҳисоб рақами орқали бўладиган амаллар тўғрисида маълумотларни олиш ва хўжаликда туриб пул кўчириш имкониятларига эга бўлинди. Жумладан, Ғиждувон туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги, «Зарафшон» фермер хўжаликлари уюшмаси, Шофиркон туманидаги «Бобур» ширкат хўжалигида мазкур дастурдан оқилона фойдаланиб келинмоқда.

Маълумки, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир.

Вилоят «Пахта-банк» бўлимларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида махсус жамғармалар ташкил қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу жамғарма ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратилиши «Пахта-банк» тизими олдига мақсад қилиб қўйилган.

Жорий йилда кичик ва ўрта бизнес корхоналарига вилоят «Пахта-банк» бўлимлари томонидан жами 438 та кредитлаш лойиҳасига 711,0 млн. сўмдан ортиқроқ кредит ажратилган бўлса, шундан 70.0 млн. сўми бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан, 641,0 млн. сўмдан ортиқроқ кредитлар банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Шундан 300.0 млн. сўми ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорларга ажратилди.

Жами ажратилган кредитларнинг 450.0 млн. сўмга яқини микрокредитларни ташкил қилади.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилган ҳолда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш имкониятлари кенгайиши банкнинг ўз кредит ресурслари ҳажмининг кўпайишига катта ижобий таъсир кўрсатади. Шуни инобатга олиб 2001 йил 1 январига келиб жалб қилинган омонатлар миқдори 340,0 млн. сўмдан ортиқроқни ташкил қилди.

Бўлимларда барча таклиф қилинаётган омонат турлари бўйича ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди. Бундан ташқари хоҳлаган вақтда мижозлар ўзларига керакли саволларга жавоб оладилар. Омонат турларининг қулайликлари ва шартлари тўғрисида маълумотлар олишлари учун ишонч телефонлари ташкил этилди ва маҳаллий ахборот воситалари орқали ушбу телефон рақамлари ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, аҳоли омонатларини жалб қилишни янада такомиллаштириш ва мижозларга яқиндан хизмат кўрсатиш мақсадида «Пахта-банк» бўлимларидан узоқ масофада жойлашган, аҳоли зич яшайдиган қишлоқ ва маҳаллаларда минибанклар тузиш йўлга қўйилмоқда. Бугунги кунда Пешқу ва Когон туманларида минибанклар фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда яна 10 та минибанкни ишга тушириш борасида ишлар йўлга қўйилди.

АТ «Пахта-банк»нинг Бухоро вилоят бошқармаси ва унинг қуйи бўлимлари вилоят халқ хўжалигини, хусусан, қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг иқтисодий ривожланишида ишончли ҳамкор бўлиш йўлида ўзларининг барча имкониятларини жалб қилишга ҳамиша тайёрдирлар.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

Довруғи оламга кетган «Чаношиқ» гиламларини бугун ҳар бир ўзбек хонадонида кўриш мумкин. Нафис ва бежирим бундай гиламларни ишлаб чиқараётган Хива туманидаги «Чаношиқ» хусусий корхонаси мустақиллик билан тенгдош. Бу ерда 15 хилдан ортиқ гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, корхонадаги эсдалик учун суратли гиламлар тўқиш цехининг фаолияти эътиборга молик. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар хорижникидан сифатли. Шу боис қўшни республикалардан ҳам харидорлар келишмоқда.

Суратларда: корхона иш фаолиятидан лавҳалар.

■ **Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар**

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

САВДОЛАР 2001 ЙИЛ 22, 25, 30 МАЙ КУНЛАРИ СОАТ 11.00 ДА РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАР МАРКАЗИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Савдоларга қуйидаги кўчмас мулк объекти қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Генерал Узоқов кўчаси, 2-уйда жойлашган «Орзу» акциядорлик жамияти балансига тасарруфсиз фойдаланиб туриш учун берилган ижтимоий инфраструктура объекти (давлат мулки бўлган) — ошхона биноси.

Мазкур объект 3 қаватли, умумий майдони — 2520 м², 1980 йилда ишга туширилган.

Бошланғич баҳоси — 39 266,37 минг сўм;

Мазкур объектга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Республика Биржалар Маркази биноси, 3-қават, 44-хона. Республика Кўчмас мулк биржаси.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 136-26-26, 136-28-75.
Ички: 153
Факс: 136-06-17

УНУТИЛАЁТГАН ОЛИЙ ЭҲТИЁЖ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Республикамизда бугунга келиб 17 мингга яқин кутубхона мавжуд. Улардаги китоб жамғармаси тахминан 130 миллион нусхани ташкил этади. Лекин бу рақам кутубхоналарда барча турдаги адабиётлар етарли, китобхоннинг эҳтиёжини тўла қондириши мумкин, деган хулосани бермайди. Айни пайтда кўпчилик кутубхоналарнинг китоб жамғармаси эскириб қолган. «Эскириб қолган» деганимизнинг боиси шуки, кутубхоналарни замонавий адабиётлар билан мунтазам таъминлаб бориш масаласи талаб даражасида эмас. Янги, давр руҳига мос асарларни айрим кутубхоналардан тополмайсиз. Китобхон ўзининг диди ва савиясига мос адабиётни кутубхонадан топишига ақли етади. Лекин, ўша адабиёт кутубхонада бўлмаса-чи? Унда китобхоннинг кутубхоналарга бўлган ихлоси сўнмайдими? Бунинг сабабини турлича изоҳлаш мумкин. Масалан, айрим кутубхоналар маъмурияти нашриётларнинг мавзу режасини қунт билан ўрганмаганлиги ҳамда керакли адабиётларни ўз вақтида ола билмаганлигидадир. Ахир сизга юқоридан келиб мижозларингизни кўпайтириб бермайди-ку. Китобхонни кўпайтириш авваламбор кутубхона ва китоб дўконлари маъмуриятининг ташкилотчилигига, тадбиркорлигига боғлиқ.

Кутубхона ва китобхон ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши ўз навбатида кутубхоналарга билимли ва тажрибали кадрлар кераклигини тақозо этади. Хўш, зиё тарқатувчи масканларда фаолият кўрсатувчи мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласи қай даражада?

Маълумки, А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида мазкур соҳа кадрлари тайёрланади. Тараққиётнинг тезкорлиги, замон шиддати, қолаверса, ахборотга бўлган эътибор ва талабнинг ғоят кучлилиги кутубхона ахборот фаолиятини бошқарув факультетида ўқишнинг таълим стандартлари доирасида олиб борилишини, талабаларнинг замонавий билимларни пухта эгаллашини талаб этади. Факультетда бу йўлда озми-кўпми меҳнат қилинмоқда, тер тўкилмоқда. Бироқ, ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина.

— Бугунга келиб кутубхоналардаги кадрлар масаласи ўта жиддий. Сабаби, уларда ишлаётган кадрларнинг атиги 20 фоизи олий маълумотли кутубхоначи. Факультетимизда бир йилда бор-йўғи 40 нафар талаба ўқишни битириб чиқмоқда. Ҳолбуки, республикамиз кутубхоналарига юзлаб-минглаб олий маълумотли кутубхоначилар зарур. Биздаги аҳвол эса кўнгилдагидек эмас, — дейди факультет декани Шуҳрат Шамсиев. — Бундан ташқари факультетнинг ўзида ёш кадрларнинг етишмаслиги, дарсликларнинг камлиги, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш масаласи ҳам йўлдаги ғов янглиғ барча муаммоларни чигаллаштирмоқда. Факультет, қолаверса, институт раҳбарияти бу муаммоларни қачон ҳал қилиб бераркин, дея Маданият ишлари вазирлигининг кўмагига кўз тикиб ўтирибди.

